

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Вазирлик Ҳайъатининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг (бундан буён матнда вазир деб юритилади) буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бошқарма Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари фаолияти юзасидан услубий раҳбарликни амалга оширади.

4. Бошқарма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг Ишчи органи ҳисобланади.

**II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари**

5. Бошқарманинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамияти институтларининг ҳар томонлама ривожланишини, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, демократик янгилаш ва мамлакатни ислоҳ қилишда уларнинг фаол иштирокини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган чораларни кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш.

6. Ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ Бошқарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни доимий равишда таҳлил қилади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади ва соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

халқаро тажрибани ўрганади ва халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш бўйича таклифлар киритади;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳини, қонунга итоаткорликни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

давлат органларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ҳолатини таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг ролини кучайтиришга, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига кўмаклашади;

инсон ҳуқуқлари бўйича, шу жумладан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлайди, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятлар бўйича зарур ҳолларда жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириш ўтказган ҳолда қарорлар қабул қилинишини таъминлайди;

Бошқарма фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича хулосалар тайёрлайди;

Бошқарма фаолияти соҳасидаги масалалар юзасидан ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширади;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг ишларини ташкиллаштиради ва фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Бошқарма ўз ваколатлари доирасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

7. Бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, бошқа ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни, статистика ва бошқа маълумотларни, таҳлилий материалларни, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш, талаб қилиш ва олиш;

*(7-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 майдаги 101-ум-сон буйруғи таҳририда).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, таълим, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлардан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

*(7-банднинг бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 майдаги 101-ум-сон буйруғига асосан чиқарилган).*

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя қилинишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш чораларини кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қонунларида ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаганда, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифлар киритиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инсон ҳуқуқларини бузувчи қарорларини, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тўхтатиб қўйиш;

жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида давлат божи тўламасдан суд инстанцияларига таклифлар киритиш;

инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

жисмоний шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни текширишни амалга ошириш, шунингдек Бошқарма фаолияти доирасига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун вазирликлар, давлат

қўмиталари, идоралар, илмий ва таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан белгиланган тартибда жалб қилиш;

*(7-банднинг ўнинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 майдаги 101-ум-сон буйруғи таҳририда).*

жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан муурожаат қилиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **IV. Бошқарма фаолиятини ташкил қилиш**

9. Бошқарма раҳбарлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг розилиги билан вазир томонидан тайинладиган ва озод қилинадиган Бошқарма бошлиғи амалга оширади. Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва Бошқарманинг бошқа ходимлари вазир томонидан лавозимларига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

10. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Бошқарма ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва функционал вазифалар, аниқ топшириқларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлик доирасини белгилайди;

Вазирлик раҳбарияти топшириқлари, фармойишлари, буйруқлари ва кўрсатмаларининг ходимлар томонидан бажарилишини текширади, ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади;

Вазирлик раҳбариятига ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, Бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида вазир ва унинг ўринбосарларига мунтазам равишда ахборот беради;

Бошқарма фаолиятига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, тегишли дастурлар, режалар ва бошқа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Бошқарманинг барча ходимлари иштирокида тезкор йиғилишлар ўтказди;

мавжуд штат жадвали асосида лавозимга тайинлаш учун тегишли тартибда вазирга номзодларни тақдим қилади;

Бошқарма ходимларидан меҳнат интизомини бузганлик, юклатилган вазифаларни тегишлича бажармаганлик ҳолатлари юзасидан тушунтиришлар олади;

Ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди.

11. Бошқарма қуйидаги 2 та бўлимдан иборат:

1) Инсон ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликни таҳлил қилиш ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш бўлими;

2) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиш устидан назорат қилиш бўлими.

Раҳбарият ва бошқарма бошлиғи топшириғига мувофиқ бўлимларга бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

12. Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини Вазирлик раҳбарияти билан келишилган ва тасдиқланган мансаб йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадилар.

13. Бошқарма ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида, юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортилади.

